Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 29 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 9 (6905)

Даъват

Илмли булиш ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал буладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзувга эга булса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир.

Абу-л Косим Маҳмуд аз-ЗАМАХШАРИЙ

Ибрат

Пешку туманидаги «Зарафшон» ёрдамчи хўжалиги маъмурияти Варахша чўли бағрида жойлашган 26-ўрта мактаб ўқитувчилари Юсуф Раҳимов, Соли Икромов ва Омон Назаровларга янги беш хонали уйларни бепул туҳфа қилди.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

• 27 январь куни республика Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди.

• Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Бош вазири Яҳё Азимов 27 январь куни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди. Музокаралар сўнггида ҳар иккала мамлакат Бош вазирлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида 1997 йилда юк ташиш, газ етказиб бериш ва алоқа хизмати бўйича ўзаро тўловлар ҳақидаги хукуматлараро битимни имзолади.

• Президентимизнинг Чехия Республикасига расмий ташрифи давомида Прагада фаолият кўрсатаётган «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан учрашувини шу шўъба мухбири изоҳлар экан, унинг нақадар самимий руҳда ўтганлигини, ҳатто мухбирлар ўз қўлларидаги магнитофонларнинг «ёзиш» тугмачаларини босишни ҳам унутиб қўйганлигини айтди. Учрашувда ўртага ташланган саволлар ва уларга жавоблар Ўзбекистонда демократияни янада такомиллаштиришга, эркин жамият қуришни жадаллаштиришга хизмат қилади.

• Чеченистон Президентлигига ва парламентига бўлиб ўтган сайловлар натижаси ҳали номаълум бўлса-да, Чеченистоннинг амалдаги Президенти Зелимхон Яндарбиев пойтахт Грознийни чечен халқининг собиқ йўлбошчиси Жоҳар Дудаев шарафига Жоҳарқалъа деб ўзгартириш тўғрисида қарор берди.

• Венгрияда кўп партиялиликнинг, бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодиётнинг йўлга қўйилганлиги, давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши ва қўшни давлатлар билан муносиб ҳамкорлик ўрнатилганлиги бу мамлакатнинг НАТОга 1999 йилгача аъзо бўлишига имкон яратади.

• АҚШ Давлат котиби М. Олбрайт хоним Россия билан ўзаро алоқалар кўп жиҳатдан Б. Ельциннинг саломатлигига боғлиқлигини таъкидлаб, иккала мамлакат бошлиқларининг март ойида Вашингтонда бўладиган учрашувга Б. Ельциннинг келишига умид боғламоқда.

• Теҳронда бўлиб ўтган Афғонистондаги танглик масалалари бўйича бўлган учрашувга толиблар вакиллари келишмаган. Толиблар Қобулдаги ҳокимиятни бошқа томонлар билан баҳам кўришни хоҳлашмаяпти.

— Математика ҳамиша дунё тилсимларини сонлар ёрдамида ечиб келган. Асли математиканинг бешиги бўлган юртимиз ёшларига бу фанни чуқурроқ ўргатишимиз боис, улар ўзларини биринчидан аждодларимиз илмий меросининг чин эгалари ҳисоблашишса, иккинчидан қураётган буюк давлатимизнинг келажакдаги ишончли таянчлари бўлади.

Олий таълим

МУТАХАССИСЛАР БОЗОРИ НИМАНИ ТАЛАБ ҚИЛАЯПТИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим бош бошқармаси бошлиғи Фатхулла ИСМАТУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Фатхулла ака, янги 1996/97 ўқув йилида республикамиз олий таълим тизимига қандай янгиликлар кириб келди?

— Аввалом бор бошланган 1996-97 ўқув йилининг муҳимлиги шундаки, у жонажон республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлаш билан бошланди. Барча олий ўқув юртлари республикамизнинг муҳим бу тарихий санасига олдиндан тадбирлар ишлаб чиқиб, муносиб кутиб олиш иши билан банд бўлдилар. Бу тадбирлар талабалар ўртасида республиканинг қисқа муддат ичида Президентимиз раҳбарлигида босиб ўтган ютуқлари рўй берган иқтисодий, маърифий, маънавий ўзгариш ҳамда республикамизнинг келажак истиқболи тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 4-сессиясида сўзлаган маърузаларини талабалар орасида чуқур ўрганиш, бу борада профессор-ўқитувчилар билан ҳамда республикамиз фанлар академияси академиклари, академиянинг мухбир аъзолари билан жонли суҳбатлар ўтказиш, ана шу тадбирларга киради.

Янги ўқув йилининг яна бир муҳим ўзгаришларидан бири, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «1996-97 ўқув йилидан олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида»ги Қарорнинг қабул қилинишидир. Бу қарор олий таълим ислоҳотларини яна бир поғона юқорига кўтариб, олий таълим соҳасини ривожлантиришнинг келажак дастурий тадбирларини ҳам белгилаб берадиган ҳужжатдир. Ана шу қарор бўйича олий ўқув юртларига талабалар қабул қилинишида давлат бюджети бўйича грантлар билан бир қаторда пулли-шартнома асосида қабул қилиш ҳамда нолинчи курслар ташкил қилиш, олий ўқув юртлари таркибида лицей ва гимназиялар йўлга қўйилди. Ҳозирда Тошкент давлат университети, Тошкент давлат техника университети ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетлари қошида ташкил этилган лицей мактаблари яхши натижалар бермоқда. Бу ҳам янги ўқув йилидаги муҳим ўзгаришлардан ҳисобланади. Янги ўқув йилининг характерли жиҳатларидан яна бири, бу кўп поғонали тизимга ўтиш ва бу тизимни чуқурлаштириш ана шу тизим асосида таълим стандартларини яратиш ва ниҳоясига етказишдир. Ундан ташқари, янги ўқув йили маънавият ва маърифат масалаларига ниҳоятда эътибор берилган ҳолда бошланди. Чунки, Президентимизнинг республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланган вазифаларнинг аксарияти олий таълим зиммасида ҳамдир. Чунки олий таълим борасида инсон билим олиш, мутахассис бўлиш билан бир қаторда маънавият ва маърифат жиҳатдан ҳам камолотга етади. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлари структураси таркибига ўзгаришлар киритилиб, тарбия ишлари проректорлари лавозими тугатилиб, улар ўрнига ҳар бир олий ўқув юртларида маънавият ва маърифат бўйича олий ўқув юрти ректорларининг биринчи проректорлари лавозими киритилди, бу эса олий ўқув юрти ишида, айниқса таълим ва тарбия ишларини жонлантиришда ўз ижобий натижаларига эришишга ишонч ҳосил қилади.

— Домла, ўтган ўқув йилида қанча талаба олий ўқув юртларини битирди. Уларнинг иш билан таъминланишига вазирлик аралашадими? Умуман, шу масала назорат қилинадими?

— Ўтган 1995/96 ўқув йилида вазирлик тасарруфидаги барча олий ўқув юртларини 30 мингдан зиёд талаба битирган, жумладан кундузги бўлимни 15636, кечки бўлимни 1849, сиртқи бўлимни эса 11814 талаба битирган. Шулардан мухандислик мутахассисликларини битирувчилар сони 12435 кишини ташкил этди.

Олий ўқув юртларини битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига келганимизда ҳозирги ўтиш даври шароитларида ёш мутахассисларни иш билан таъминланиши ўз хусусиятларига эга бўлиб, уларга янгича муносабатда бўлиш талаб қилинмоқда. Энди илгаригидек олий ўқув юрти битирувчилари учун юқоридан аниқ белгилаб қўйиладиган давлат тақсимоти йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида ёш мутахассислар ишлаб чиқариш корхоналарига, ташкилот ва идораларга махсус танловлар, тестлар орқали ишга олинмоқда. Вужудга келаётган меҳнат бозори, яъни мутахассислар бозори ўта аниқликни, юксак сифат белгиларини талаб қилмоқда. Қайси олий ўқув юрти, факультет ёки кафедралар ижтимоий, ўқув-услубий ҳамда илмий

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН ҲАҚИДА ГЎЗАЛ КИТОБ
2-бет

ВОРИСЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШГАН?
3-бет

Анвар ОБИДЖОН

ЎН ЕТТИ ДАҚИҚАЛИК СИНФДОШИМ

Азизахонни табриклаб қўйишим шарт эди. Бироқ, қишлоққа бордиму уни қутлолмай қайтдим. Атайлаб шундай қилдим. На қаҳрамон билан, на уни яқиндан биладиганлар билан гаплашгим келди. У ҳақда ёзадиган мақолам ўсмирликдаги жўшқин хотираларимдан узоқлашиб, қаҳрамонимнинг бугуни тўғрисида ўзгалар айтиб берадиган кўтаринки гаплару меҳнат фаолияти билан боғлиқ юзаки саналар йиғиндиси бўлиб қолишидан чўчидим. Азизахоннинг доно турмуш ўртоғи, қадрдон дўстим Иброҳимжонга йўлиқишдан ҳам ўзимни тортганимнинг боиси шу. Унга бўлган меҳрим тош босиб, оилавий тотувлик мавзуига кўпроқ чалғиб кетиши мумкин эди. Ҳатто 13-мактаб директори Турсунбой ака мукофотни худди ўзи олгандек қувониб, «эшитдингизми...» дея сўз бошлаганида, гапни чалғитиб, чап бердим.

Синфдошларим орасида ўта аъ лочи Раҳимахоннинг уй бекаси «лавозими»да қолиб кетгани, ўзимиз қатори ўқиган Ҳомиджон деҳқончилик илмида тиришқоқлик кўрсатиб, жамоа хўжалиги раиси даражасига етгани, Муҳаммаджон, Жамилахон, Маҳмуджон каби юввошгиналар бир касбни маҳкам ушлашда қатъият кўрсатиб, жамиятда мустаҳкам ўрнини топа олишга эришгани мени баъзан ҳайратга соларди. Аммо Азизахон Ўринбоева «Ўзбекистон республикаси халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлганини эшитиб, заррача таажжубланмадим. Шундай бўлиши керак эди. Чунки у билими, иқтидори борасида айрим пешқадамлар орасидаги даражасидан қатъи назар, туғма зиёлиларга хос мулойим табиати, шарқона шарму ҳаёси, юксак одобахлоқи, каттаю кичикка бирдек хушмуомалалиги, беозорлигию самимияти туфайли ўз ўқувчиларига суюклилиги билан ҳақиқий ўқитувчи, том маънодаги мураббийдир. Балки, Азизахоннинг танида ота-онасидан ўтган номдор мураббийлар қони кезиб юргани бунинг асосий омилидир...

Мен Азизахонни синфдошим дедим. Шундай дейишга ҳаққим борми, йўқми, буни билмадим. Чунки, улар етти йиллик мактабни битириб, бизнинг ўрта мактабимизга келишганда, қўшниларнинг бизга қўшилиш маросими каминанинг ўзим хоҳлаган бирон бир мактабга яхшиликча жўнашим кераклиги «тантаналари»га уланиб кетганди. Роппа-роса соат 9 да дарсга қўнғироқ чалинди. Ёприлиб синфга кирдик, «янги»лар билан танишдик, сўнг ишни чўзиб ўтирмай, менинг жавобимни беришди. Ўшанда ташқарига чиқибоқ, соатга қарадим, 9 дан 17 дақиқа ўтган экан. Хуллас, Азизахон бор-йўғи 17 дақиқалик синфдошим.

Шундай бўлса-да, теварақдаги болалар уни жуда яхши билар эдик. Бўлмаса-чи, ахир у қишлоғимизнинг энг сулув қизи эди. Ўша даврларда мактабдошлар ўртасида бир-бирига хат қистиришлар у ёқда турсин, қизларга шунчаки қаттиқроқ тикилиб гаплашиш ҳам русумга кирмаганди. Аммо чиройли қизларни узоқроқдан яйраб томоша қилишга ишқибоз, у ёки бу гўзал ҳақида ўзаро шивирлашиб чарчамайдиган «мажнунча»лар анчагина эди.

Кейинчалик қайси қизлар кимларнинг кўзини қуйдириб юргани хусусида бир нарса дейишим қийин, зеро мен ўша «кузатилган» кўйим 13-мактабга қайтмадим, Олтиариқ тумани марказидаги кечки мактабни тугаллаб, Самарқанддаги молия техникуми-

(Давоми 2-бетда).

Лўқма

КИМ АЙБДОР?

Маълумки, талабалар шаҳарчасида бир эмас, икки-уч жойда шаҳарлараро телефон бўлимлари мавжуд. Бу нафақат талабаларга, балки шу ерда яшовчи аҳолига ҳам жумҳуриятимизнинг хоҳлаган қисмига сим қоқиб, суҳбатлашиш имконини беради. Айниқса, яқинда уларнинг бирига замонавий карталардан фойдаланадиган, хорижда ишлаб чиқилган телефон ускунаси ўрнатилгани қувонарли ҳол. Лекин... иқтисод сабаб йигит-қизларнинг ҳаммаси ҳам юқоридаги замонавий гаплашгичдан фойдалана олмайдилар. Яна ўзимизнинг гаплашгичга боришади. Бу ерда эса бошқа муаммолар уларга тўсқинлик қилади. Қандай муаммолар, дейсизми? Афсуски, улар анчагина. Асосийси, телефон ускуналари бир оз эскириб қолган. Гоҳи ишлаб турган телефон ўзўзидан узилиб қолади. Гоҳида эса жетонларни кетма-кет ютиб, талабаларни чув тушириб қўя қолади. Ахир, ҳар бир жетонни 10 сўмдан олиб, бир дақиқа ҳам гаплаша олмаса кимга алам қилмайди?

Норози бўлган талабалар операторга мурожаат қилишса, «биз жавобгар эмасмиз, жетон сотамиз, холос» мазмунида жавоб олишади. Бундай ҳолга тушган талабаларни ўз кўзим билан кўрганимда, «телефондан фойдаланишни билмагандирда» деб ўйладим. Бир оздан сўнг ўзим ҳам худди шундай ҳолатга тушдим. Бу ҳол Нукус кинотеатри ёнидаги телефон бўлимида содир бўлди. Шундан сўнг жетон сотувчига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. У аввал, елка қисиб, бундай жавобгарликдан холи эканини айтди.

— Ахир сиз жавоб бермасангиз, ким жавоб беради? — сўрадим анчайин қизишиб.

— Устамиз ҳозир санаторийда — деди сотувчи ҳам қизишиб, — ўрнига ўғли бор эди, бетоб экан.

— У ҳолда нега телефон носоз экани юқорисига ёзиб қўйилмаган. Талабалар ҳам норози бўлишмасди-ку?!

— ...

Ҳа, бу ҳолга, албатта, масъул кишилар жавоб беришлари лозим. Аммо иккинчи бир ҳолатда ким жавобгар ҳисобланади? Яъни талабалар шаҳарчасидаги 2-журналистлар уйида ҳам худди шундай телефон ускунаси ўрнатилган. Яқинда эса қайсидир талаба ушбу телефон ускунасини бузиб кетибди. Ҳақли савол туғилади: хўш, бу ҳолга ким жавоб беради?

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.



ҒАФЛАТДА ҚОЛДИ

Америкалик эр-хотин Пол ва Анна Кестелинолар орасидан «оламушук ўтди». Жанжал авж палласига чиққанида эр ўзининг итдек чарчаганлигини ҳис қилди ва ётдию хурракни башанг қўйиб уйқуга кетди. Бундан қаттиқ ғазабланган аёл пистолетда эрини отиб қўйди. Чойшабга тома бошлаган қон томчиларини кўргач эса уйдан қочди-кетди. Эрталаб уйғонган «мурда» ўзини лоҳас ҳис қилиб врач чақирди. Қарангки, ўқ ғафлат босган эрнинг қовурғаси орасига жойлашиб қолган экан.

ВАФОСИЗ ПУЛЛАР

Австралиялик бойвачча Керри Паркер ўйин столида ўзини жуда эркин тутади. Сидней ва Мельбурндаги казино тармоқларининг эгаси бўлмиш Керри пулни қанча тез топса, шунча тез йўқотади. У ўзининг сўнгги ўйинларидан бирида 8 миллион доллар ютқазиб қўйди ва худди шу ҳафтанинг ўзидаёқ Лас-Вегасдаги казинолардан бирида 22 миллион доллар ютиб олиб, ўз капиталини бойитди.

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Буюк Британияда ҳар 100 минг кишидан 230 киши грипп хасталиги билан оғриганлиги маълум бўлди. Ушбу касалликдан мамлакатда ҳар йили 3-4 минг киши нобуд бўлаётганлиги боис Британия Соғлиқни сақлаш вазирлиги 65 ёшдан ошганлар ва барча сурункали касалликка чалинган беморларга гриппга қарши бепул эмлашни таклиф қилмоқда.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Италиялик акобир, улкан «Фиат» империясининг вориси Жованни Альберто Аннелли америкалик Эвери Френсис Хоув хонимга уйланди. Куёвнинг бувисига тегишли бўлган қадимий Тоскания қасрида бўлиб ўтган тўйда бор-йўғи 30 киши иштирок этди. Тўйга энг ҳурматли меҳмон сифатида куёвнинг тоғаси, «Фиат» Президенти Жанни Аннелли ўзининг шахсий верталётида ташриф буюрди. У тўёна сифатида XVIII асрнинг подир чинни буюмларини ва Леонардо да Винчининг машҳур «Кодекса» деб номланган асари асл нусхасини келтирди. Маълум бўлишича, тоғанинг совғалари «атиги» 50 минг доллар тураркан, холос.

Бетакаллуф бурчак



Домла: — Хўш, Ўсаров, якшанба куни қайси бозорга чиқдинг?

Зокир УСМОНОВ чизган сурат.

ХАБАРЛАРИ — МММ

КИТОБХОНЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Яқинда Хива шаҳридаги 3-кутубхонада Ал Бухорийнинг «Ҳадис» китобларидан намуналар асосида китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Кечада Хива қишлоқ хўжалик коллежи, педагогика билим юрти талабалари қатнашиб, ҳадислардан намуналар ўқидилар. Хива шаҳар марказий кутубхонаси томонидан ўтказилган бу тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Зомин туманидаги Хоропчи қишлоқ маданият уйида қизларнинг «Иқбол» кўрик танлови бўлиб ўтди. Танловнинг асосий шартларида миллий руҳ, миллий урф-одатлар сингдирилган савол-жавоблар бўлди. 11 нафар қиз иштирок этган мазкур беллашувда Хоропчи қишлоқ амбулаторияси ҳамшираси Дилфуза Пўлатова биринчи ўринни эгаллаб, ғолиб деб топилди.

ОНА ШАҲРИМ БУХОРО

Пешку туманидаги Қори Ниёзов номидаги мактабда Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб туман маданият уйи ходимлари ва кутубхоначилар ҳамкорликда «Она шаҳрим Бухоро» мавзуида кеча ўтказилди. Унда Бухоронинг ўтмиш тарихи, унда яшаб ижод этган буюк шахслар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна кўринишлари ҳаваскорлар томонидан тайёрланиб, томошабинларга ҳавола қилинди. Шу билан бир қаторда кутубхоначилар томонидан китоб кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Кеча сўнггида тумандаги «Наво» дастаси ўз чиқишлари билан иштирокчилар кўнглини хушнуд этди.

ВАТАН ДЕБ ЁНСА ЮРАК

Марғилон шаҳар спорт мактабида «Ватан ҳимоячилари бизнинг фарзандларимиз» номли тематик кеча ўтказилди. Кечага Марғилон шаҳар ҳокими Абдуваҳоб Рўзиев ташриф буюриб, ватан ҳимоясининг буюк вазифа эканлиги ва ҳар бир йигит унга доимо шай бўлиб туриши зарурлигини уқтирди. Кечада шаҳар ҳокимининг муовини Аъзам Мухторов, шаҳар мудофаа ишлар бўлими бошлиғи Иброҳим Арабжоновлар иштирок этдилар. Қизиқарли ўтган тадбирда афғончилар, чернобилчилар, фахрийлар иштирок этишиб, марказий маданият уйи қатнашчилари ижросидаги куй ва қўшиқларни тинглаб маданий ҳордиқ олдилар.

МУАЛЛИФЛАР: Мухтасархон КАРИМОВА, Фотима ЖУМАЕВА.

ХАБАРЛАРИ — МММ

МУТАХАССИСЛАР БОЗОРИ НИМАНИ ТАЛАБ ҚИЛАЯПТИ?

(Боши 1-бетда).

жиҳатдан давлат миқёсида ишонч қозонган ва тан олинган бўлса, у ерда тайёрланаётган мутахассисларга шубҳасиз талаб катта бўлмоқда. Ҳозирги кунда энергетика, нефть ва газ, геология, кон ишлари, иқтисод, молия, тўқимачилик ва енгил саноат йўналишларини битириб чиққан ёш мутахассисларга талаб ҳамон катта ва улар иш билан таъминланмоқдалар.

Бу йил республикамиз олий ўқув юртларига ҳаммаси бўлиб 30 мингга яқин абитуриент қабул қилинди. Булардан 21534 талаба давлат бюджети грантлари бўйича қабул қилинган бўлиб, 7 минг талаба шартномалар асосида қабул қилинганлар. Демак, жорий йилда олий ўқув юртлари аудиторияларига келганлар сони олдинги йилга нисбатан 6284 кишига ошган.

— Фатҳулла ака, ҳозир шундай бир даврки, ҳамма соҳаларда ҳам чет элликлар билан тажриба алишмай, ўзаро борди-келди қилмай, бирор муваффақиятга эришиш мушкул. Олий таълим тизимида бу борада қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Мустақил республикамиз олий таълим тизимини яратишда ва уни янада такомиллаштириш биринчи навбатда ривожланган давлатларда жорий этилган таълим тизимини нафақат чуқур ўрганиш, уни атрофлича таҳлил қилишни талаб қилади. Бу эса хорижий давлатлар билан амалий алоқалар ўрнатиш, олий ўқув юртлари профессор ва ўқитувчиларини тажриба ўрганиш мақсадида хизмат сафарларига юборишни тақозо этади.

Ҳозирда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ходимлари, олий ўқув юртлари ходимлари кўпчилиги чет эл олий таълим тизими билан яқиндан танишиб, ўрганиб чиққанлар. Бу борада ривожланган йирик мамлакатлардан Америка, Англия, Франция, Германия, Бельгия, Голландия олий ўқув юртлари билан бизнинг университетларимиз ўртасида ўрнатилган узвий ҳамкорлик алоқаларини айтиб ўтиш ўринлидир. Масалан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети АҚШ, Англия университетлари ва олий коллежлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар, қарийб 3/2 қисм профессор-ўқитувчилар чет эл олий ўқув юртларида ўз малакаларини ошириб тажриба орттириб қайтганлар. Тошкент давлат техника университети Франция ва Германия университетлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқдалар. Бу университетда мана бу икки йилдан буён Ўзбек-Малайзия Бошқарув бизнес факультети фаолият кўрсатиб келмоқда. Тошкент кимё-технология институти Гент университети (Бельгия) ҳамда Афина (Греция) технология институти билан Темпус-ТАСИС программаси асосида замонавий озиқ-овқат технологиясини ривожлантириш факультетининг уч йиллик дастурини ишлаб чиқдилар.

Қўлга киритган мустақиллигимиз шарофати билан ривожланган чет эл мамлакатларида фаолият кўрсатаётган таълим ташкилотлари — АКСЕЛС, АЙРЕКС, КАФЕ (АҚШ), ДААД, Конрад Аденаур жамғармаси, Гёте номидаги институт (Германия), Фонд Сауд Аль Баптин жамғармаси (Миср), Европа таълим жамғармаси (ТАСИС ва ТЕМПУС дастурлари) билан вазирлик, олий ўқув юртларимиз узвий алоқа боғлаб янги кўп поғонали узлуксиз таълим тизимини жорий этишда бир қанча лойиҳаларни биргаликда бажармоқдалар.

Шу йилнинг 16-17 ноябрь кунларида Европа таълим жамғармаси Олий ва ўрта мухсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Узлуксиз таълим ва ўтиш даврида меҳнат бозорини шакллантириш» халқаро анжуманини ҳам Тошкент шаҳрида ўтказилиши янги олий таълим тизимини жорий қилишда ривожланган давлатлар билан узвий алоқалар ўрнатилаётганлигидан далолат беради.

— Олий ўқув юртларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш масаласида қандай муаммолар мавжуд, улар қандай ҳал этилмоқда?

— Саволингиз жуда ўринли. Ҳа, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш муаммоси мустақиллик шароитида олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардандир. Масаланинг муҳимлигини республика Вазирлар Маҳкамасининг янги ўқув дарсликларини яратиш ва олий ўқув юртларини таъминлаш тўғрисида қилган махсус қароридан ҳам билиб олиш мумкин. Бу қарорда тасарруфида олий ўқув юртлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар зиммасига катта вазифалар юклатилган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Собиқ Иттифоқ даврида илмий-ўқув адабиётларнинг аксарият қисми марказдан келтирилар эдики, марказ кўрсатмаси билан яратиларди. Мутахассисларни шакллантиришда минтақамизнинг алоҳида хусусиятлари хисобга олинмасди. Бундай ёндашиш табиий, илмий ва техникавий йўналишдаги ўқув адабиётларида унча катта аҳамиятга эга бўлмаса-да, лекин гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ўқув адабиётларида муҳим аҳамият касб этади. Натижада бўлажак мутахассислар билимида маълум чеклашлар ёки «европалашув» шаклланарди. Худди шу сабабли ҳозирги кунда вазирлигимиз олий ўқув юртлари раҳбарияти остида биринчи навбатда яратилиши лозим бўлган устивор ўқув адабиётлар аниқланиб, юқори малакали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳлар тузилди ва дарсликлар яратиш соҳасида жадаллик билан иш олиб борилмоқда. Энг яхши дарсликлар учун конкурс эълон қилиниб, муаллифларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган. Мустақиллик шароитида гуманитар ва ижтимоий фанлар мазмунининг тубдан ўзгаришини билган ҳолда, бу соҳадаги ишлар анча олдин бошлаб юборилган эди. Ҳозирги кунда бу фанлар туркуми бўйича такомиллашган ўқув дастурлари, қатор дарслик, қўлланмалар, талабаларда мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, Ватан моҳиятини чуқур англаш, ардоқлаш, маънавият ва маърифатни юксалтиришга хизмат қиладиган бир қатор қўшимча адабиётлар, рисолалар яратилди. Улар нашр қилиниб, талабалар оммасига тақдим этилди. Буларга «Ўзбекистон тарихи», «Сиёсатшунослик», «Ахлоқшунослик», «Фалсафа» ва бошқалар каби ижтимоий фанлардан дарсликлар, «Толибнома», «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», «Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида», «Талабалар созида Ватан» каби қўшимча адабиёт ва рисолалар мисол бўла олади. Шуни таъкидлаш керакки, тайёрланаётган мутахассисликларнинг малакаси кўп жиҳатдан ўқув, илмий-услубий адабиётларнинг мавжудлиги ва сифатига боғлиқ бўлади. Пировард натижада ўқув адабиётларининг тўлиқ яратилиши таълим соҳасида давлат талабларини бажариш билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли бу масала вазирлигимизнинг доим диққат марказида бўлади.

Суҳбатдош: Луқмон БЎРИХОН, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Мактаб кутубхонасига

ВАТАН ҲАҚИДА ГЎЗАЛ КИТОБ

Ватан — киндик қонимиз тукилган даргоҳ.

Ватан — умримизнинг болалик, усмирлик, ёшлик, таъбир жоиз бўлса, донишмандлик дамларини ўзида мужассам этган макон. Усиз ҳеч биримизга ҳаёт йўқ! Бу тушунчани изоҳ этишга, тўғриси, қалам ҳам ожиз. Ватан — танамизнинг руҳий бир бўлаги эмасмикин?

«Ватан туйғуси» китоби қўлимизда. Унинг муқоваси пухта ва чиройли тайёрланган. 386 бетдан иборат. Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳайриддин Султонов, Назрулла Жураевлар ҳам муаллифлигида нашр этилган бу китоб Ватан ҳақидаги гўзал ибораларга, ташбеҳларга, кашф этилмаган ифодаларга бойдир.

Китобни варақлар экансиз, сиёсат ва ҳаёт уйғунлигининг қаламдаги ўзига хос ифодаларига бирма-бир кўзингиз тушади. Зеро, китобнинг илк саҳифасига Президентимиз Ислом Каримовнинг мана бу фикрлари бежизга келтирилмаган: ***«Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамиз ва уни татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий жабҳаларда собит турадиган бўлсинлар».***

Ушбу китоб уч қисмдан ва қисмларга жамланган талай боблардан иборат бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, маънавият масалаларини ҳам кенг қамраб олган. «Бир шода марварид» деб номланади, китобнинг биринчи қисми. Бу қисмга кирган мақолалар тилининг иҳчамлиги, равонлиги, услубининг содда ва мулоҳазага ундовчанлиги билан эътиборлидир: «Сўз», «Гап», «Тил», «Қалам», «Қоғоз», «Руҳ», «Жон», «Фаришта», «Иймон», «Эътиқод», «Маслак», «Шарм», «Ҳаё» ва ҳоказо. Мавзулар ранг-баранг ва ҳаётий. Ўқиб туриб халқимиз маънавияти нақадар умрибоқий ва бой, туганмас ва тиниқ чашма эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилгандек бўласиз.

«Деярли барча маҳлуқотда тил бор. У иссиқ-совуқни, таъмларни билувчи, ошқатланишда иштирок этувчи аъзо. Ер юзида қанча миллат, халқ, элат, қабила бўлса, шунча тил бор. Тилсиз халқ йўқ. Халқсиз эса тил ҳам бўлмайди» дейилади «Тил» мақоласида.

Иккинчи қисм «Теран томирлар» деб номланади. Мазкур қисм яхлит мавзудир. Ватан тушунчасини қалбимизга янада теранроқ, муфассалроқ сингдиришни муаллифлар ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. «Олтин бешик» умумий сарлавҳаси остидаги катта-кичик мақолалар Ватан деб номланган улуғ неъмат ҳақидаги тушунчаларимизни кенгайтиради, бойитади. Аждодларимизнинг бой маданий-адабий меросларига қизиқиш ва меҳр туйғусини шакллантиради.

Ва ниҳоят, «Ватан туйғуси» китобининг сўнгги қисми «Истиқлол шижоати» деб номланганки, бунда юртимизнинг мустақил давлатга айланганини қайд этишдан тортиб, утиш даври муаммолари, демократиянинг сиёсий маданияти ҳақида ҳам баҳс юритилади.

Истиқлол халқимизнинг бахти бўлди. Шу бахт негизида буюк келажак яратмоқчимиз. Илоҳим, бу покиза ниятлар ушалсин! Ватанимиз тинч-осойишта мамлакат бўлсин!

Юқоридаги китоб муаллифлари таъкидлаганидек, «Ватан туйғуси — бу ҳавойи гап эмас, аждодлар билан шунчаки фахрланишгина эмас. Бу — озод халқнинг муносиб фарзанди, мустақил мамлакатнинг фидойи фуқароси бўлмоқликка интилиш туйғусидир».

ЎН ЕТТИ ДАҚИҚАЛИК СИНФДОШИМ

(Боши 1-бетда).

дан ҳарбийга кетдим. Ҳарбийдан келсам, синфимиздаги ҳамма қизлар «тилло остона»лик уйини топиб олибди. Қишлоғимизнинг энг гўзал қизи эса чамбарагулчин сўзлар устаси бўлмиш шинаванда дўкончи Мирзажон тоғанинг энг мўмин-қобил фарзанди Иброҳимбек ошнамиз ихтиёрига ўтибди. Мана энди ўзлари ҳам ота-она бўлишиб, ўғилларига энг гўзал келин топиб юришибди.

Мен юқорида ташқи чирой, гўзаллик сўзларига қайта-қайта урғу берганимнинг боиси бор. Ёшимиз бир жойга бориб, кўп ишларни кўриб қўйгач, эсимиз анча қуюлди, жумладан ҳақиқий гўзаллик қандай бўлишига озми-кўп ақлимиз етадиган бўлди. Энди билдикки, ташқи чирой пуч ёнғоқ, мўрт безак, тез тўзиб кетгучи лолақизғалдоқ экан. Инсон табиатидаги, хулқ-атворидаги, шарму ҳаёсидаги гўзаллик, оилавий тутумидаги, меҳнат жараёнидаги, жамоа назаридаги чиройи эса абадий ҳусн, мангу файз экан. Мен маҳалламиздаги ўнлаб ўқувчи болалардан, кексаю ёш муаллимлардан Азизахон ҳақида гап ўғирлаб кўриб, мана шу ҳақиқатга яна бир бор дуч келдим, ўзгалар кимнингдир ҳалол меҳнатини, ахлоқий мусаффолигини, одамийлигини қадрлай олишга қодир эканликларига тан бердим.

Ҳа, ҳаёт — энг тиниқ кўзгу. Ўнлаб унвону мукофот олган баъзи кимсалар жамоа тугул ҳатто ўз оиласида қадр тополмай ўтганига кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Яна шундайлар ҳам борки, маҳалладошларининг иззат-икроми, иш жойидаги касбдошларининг ҳурмат-эътибори, оиласидагиларнинг меҳр-оқибати улар учун энг юксак мукофотдир. Азизахон ана шу иккинчи тоифага кирувчи бахтли инсонлар қаторидан аллақачон жой олиб улгурган. Унга берилган фахрий унвон катта заҳматлар эвазига эришиладиган ҳақиқий гўзаллик эртами-кеч барибир тақдирланишининг исботи бўлди холос.

Юксак унвонингиз қутлуғ бўлсин, Азизахон! Оилангиздан тотувлик, хотиржамлик аримасин. Эл-юрт ардоғига сазовор бўлишдек улкан саодат, абадий гўзаллик ширин-шакар фарзандларингизга ҳам насиб этсин. Хонадонингиздаги тўйларнинг меҳмони бўлайлик.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

НУКУСДА РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ўзининг навбатдаги кўчма раёсат йиғилишини ўтказди. Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик А. Абдувоҳобов, ЎзФАнинг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Президиуми раисининг муовини Б. Жоллибеков, фалсафа фанлари доктори Т. Тошлонов, шунингдек Нукус давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтлари ректорлари қатнашдилар.

Раёсат кун тартибида «Республика халқ таълими органлари, ўқув юртлари ва тармоқ касаба ушюмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Бухоро вилоятлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиққан вазифаларнинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлари», шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолияти самарадорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони юзасидан касаба уюшмалари олдида турган вазифалар тўғрисидаги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги масалалар муҳокама этилди. Кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсати аъзолари, вилоят қўмита раислари Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълимига қарашли Тил маркази, талабалар санаторий-профилакторийлар иш фаолиятлари билан танишдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими Президиумида Марказий қўмита раёсати аъзоларининг қабули бўлиб, унда Президиум раисининг муовини Б. Жоллибеков қорақалпоғистонлик олимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича ахборот берди.

Йиғилишда касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор И. Абдуғаниев сўзга чиқиб, тармоқ касаба уюшмаси олдида турган вазифалар юзасидан нутқ сўзлади.

Мухбиримиз.

Дарснинг мукаммал, баҳс-мунозарага бой, умуман талаб даражасида ташкил этилишига эришиш учун очиқ дарслар масаласига алоҳида эътибор қаратган маъқул. Чунки қанча кўп очиқ дарс ўтказилса, ўқитувчининг дунёқараши, фикри шунча шаклланиб боради, кўпчиликнинг ёрдами билан ўз имкониятларининг энг нозик қирраларини топади, ўзига нисбатан ишончи ортади.

Касби туманидаги 43-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Имомова ҳам ана шундай вазиятларда кўпроқ дарс ўтишни ёқтиради. Шунинг учунми, унинг синфида таълим олаётган 24 нафар ўғил-қизларнинг барчаси ўз устозларини жуда қадрлашади.

Суратда: навбатдаги очиқ дарсдан бир лавҳа.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Мулоҳаза

ЯНГИ ДАРСЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

Мустақиллик бизга кўпгина улуғ неъматлар ато этди. Шундай неъматлардан бири ижод эркинлигидир. Эркинликнинг маҳсули ўлароқ, мактабларимизга миллий қадриятларимизни ифода қиладиган, бой тарихимизни тўғри кўрсатадиган янги дарсликлар ва қўлланмалар кириб келмоқда.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ҳақидаги Қонуннинг қабул қилиниши эса бундай дарсликларнинг яратилишига замин ҳозирлади. Бу борада энг масъулиятли, долзарб вазифалардан бири биринчи синфлар учун янги «Алифбе» яратиш эди.

1-синфлар учун Талъат Ғаффорова, Эргаш Шодмонов ва Гулбодом Эштурдиевалар томонидан тайёрланган «Савод» алифбе дарслиги лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини ўқитиш бўйича иш бошлаган кўп минг сонли ўқитувчиларимиз мушкулини осон қилмоқда.

Етти ёшли ўқувчиларга мўлжалланган бу дарсликда ҳозирги замон болаларининг ёши ва ривожланиш хусусиятлари эътиборга олинган. Айниқса, бизга алифбегача тайёрлов даврининг иккига бўлиб берилиши, унли ҳарфларнинг шу даврда ўргатилиши жуда маъқул бўлди. Чунки болалар айнан шу ҳарфларнинг талаффузида қийналмай, осон ўзлаштирадилар. Шунингдек, ундош товушларнинг ўргатилиши тизими ҳам ўқувчилар нутқида кўп ишлатиладиган товушларни ҳисобга олиб тузилган. Бу эса савод ўргатишда жуда муҳимдир.

Дарсликнинг ҳар бир саҳифасида имкони борича боғланишли нутққа эътибор берилган. Матнлар мазмунли бўлиб, унга хос суратлар ҳам жозибали ишланган. Бу ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстиришда ҳамда тўғри ва ифодали ўқишга ўргатишда муҳим ўрин тутади.

Китобда сўз ва гаплар тузиш учун болалар нутқида кўп учрайдиганлари танланган. Бу эса боланинг луғат бойлигини ўстиради. Шунингдек, матнлар ўзбек халқ маданияти, маънавиятига хос ахлоқ-одобни, катталарга ҳурмат-эътибор, ноннни эъзозлаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ноёб фазилатларни тарбиялашга қаратилган. Бунда ўзбек халқ оғзаки ижодиётидан самарали фойдаланилган. «Ўтинчи қиз», «Олтин тарвуз», «Гавҳартош» эртаклари ана шундай сифатларни тарбиялашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, «Савод»да халқимиз шуҳратини дунёга ёйган улуғ алломалар Амир Темур, А. Навоий, М. Улуғбек, З. Бобурларнинг ибратли ҳаётларига оид матнлар ва уларнинг асарларидан намуналар берилганки, бу 1-синфдан бошлаб фахрли боболаримизнинг дунёвий мероси билан танишиб бориш, ўқувчиларда миллий ғурурнинг шаклланишига катта ёрдам беради.

Дарсликка илова тарзида берилган «Кесма алифбо», «Буғин жадвали» сўзлар тузишга ва уни ўқитишни ташкил этишга кўмак беради. Ўқитувчининг ўзи уларни каттароқ ҳажмда қаттиқ қоғозда тайёрлаб олади ва таълим жараёнида ундан унумли фойдаланади. Ўқувчи бўғинни ўқишни яхши ўрганганидан сўнг бўғиндан сўз ва гаплар тузишга ўргатилади, бу эса ўқиш малакасини эгаллаш жараёнини мумкин қадар тезлаштиради.

Илгариги «Алифбе» дарсликларидан «Савод»нинг яна бир афзаллик томони шундаки, унда матнлар аста-секин мураккаблашиб борган. Бу эса болалар билимини аста-секин ривожлантиришни кўзда тутади.

Ёзув дафтарларида ёзув малакасига ўргатиш тизими ҳам ижодий топилмадир. Олдин қўлни ўргатиш машқлари, ҳарфлар, кейин бўғин, сўз ва гапларни ёзиш машқлари берилган. Ёзув қоидаларига амал қилиш йўллари кўрсатилган.

Шуни мамнуният билан қайд қиламизки, Т. Ғаффорова бошчилигидаги муаллифлар тайёрлаган савод дарслиги вилоятимизнинг кўп сонли бошланғич синф ўқитувчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Ўйлаймизки, бу янги алифбе ёш авлоднинг саводли бўлиши ва маънавиятининг юксалишига муносиб хизмат қилади.

Бахром МАҲМУДОВ, Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти бошланғич таълим бўлими мудири.

Лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувини ўрганамиз

УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ

UU (Уу)

U U — лотинча босма шакли. Кирилл ёзувида бу ҳарфнинг босма шакли У у. Талаффузда, яъни ҳарф номини айтишда ўзгариш бўлмайди.

U u ҳарфи алифбо тартибида йигирманчи ўринда жойлашган. Кирилл алифбосида эса йигирма биринчи ўринда берилган.

Машғулотимиз давом этади. Энди, лотин ёзувидаги ушбу ҳарфнинг босма шакли хусусида малака орттириш машқига ўтамиз:

U u ҳарфининг босма шакли ифодаси ҳақида кўникма ҳосил қилингач, унинг сўзлардаги берилиш таркиби баёни қуйидагича:

Uy — уй, ulug‘ — улуғ, tun — тун, kun— кун, Tut — тут, butun — бутун, uyqu — уйқу, uchuq — учуқ, usul — усул, tovush — товуш, buzoq — бузоқ, buloq — булоқ, tushuncha — тушунча каби.

Мана, сўзлар таркибида U u ҳарфининг берилиш ҳолатлари билан ҳам танишаб чиқдик. Демак, сўзлар воситасида содда гаплар тузиш қийин эмас.

Гап ичида U u ҳарфи қатнашган сўзлар ифодаси қуйидагича:

U tunu kun o‘yladi — У туну кун ўйлади. Buzoq ipini uzib ketdi — Бузоқ ипини узиб кетди. Opamnining labiga uchuq chigdi — Опамнинг лабига учуқ чиқди. Tarvuz suvsiz pishdi — Тарвуз сувсиз пишди. Yoqimli musiqa tingladim — Ёқимли мусиқа тингладим. Tut to‘kilib ketdi — Тут тўкилиб кетди.

O‘ o‘ (Ў ў)

O‘ o‘ лотинча босма шакли. Кирилл ёзувида бу ҳарфнинг босма шакли Ў ў кўринишида ифода этилади. O‘ o‘ ҳарфининг талаффуз этилиши ҳар иккала ёзувида ҳам ўз ҳолича айтилади. Бу ҳарф лотин алифбосида йигирма олтинчи ўринда жойлашган. Кирилл алифбосида эса ўттиз иккинчи ўринда.

O‘ o‘ ҳарфини тўғри ёзиш хусусиятлари баёнига ўтамиз. Бунда уч томон алоҳида ҳисобга олинади.

o‘t — ўт, o‘q — ўқ, o‘zbek — ўзбек, o‘simlik — ўсимлик, bo‘tako‘z — бўтакўз, navro‘z — наврўз, do‘ppi — дўппи, o‘g‘it — ўғит, gulko‘ra — гулкўрпа, O‘zbekiston — Ўзбекистон каби.

Do‘stim menga o‘lan aytid berdi — Дўстим менга ўлан айтиб берди. O‘zbek tili O‘zbekiston Respublikasining davlat tilidir — Ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидир. Zulfiya bo‘tako‘zdan gulchambar yasadi — Зулфия бўтакўздан гулчамбар ясади. Bo‘rini yo‘qlasang qulog‘i ko‘rinadi — Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади.

Шундай қилиб, уч машғулотимиз давомида олтита унлиларнинг ҳарфий белгилари билан танишиб чиқдик. Улар ҳақида мукаммал малака ҳосил қилиш ва хотирада мустаҳкамлаш учун яна айрим матн намуналарини келтирамиз: Dilshoda Zulfiyadan kitob oldi — Дилшода Зулфиядан китоб олди. O‘ktam o‘rtog‘idan maslahat so‘radi —Ўктам ўртоғидан маслаҳат сўради. Ulug‘ ishlar bunyod etilmoqda — Улуғ ишлар бунёд этилмоқда.

Zulfiya O‘zbekiston haqida she`r o‘qidi — Зулфия Ўзбекистон ҳақида шеър ўқиди.

Вазифа: юқоридаги машғулотлар бўйича ҳар бир шаклга уч-тўрттадан намуна ёзиб келинг.

Давоми бор.

Боши ўтган сонларда.

Талқин

УЧРАШУВ ТААССУРОТЛАРИ

Республика Таълим марказини Халқ таълими вазирлигининг, умуман маорифнинг юраги дейишади. Бу бежиз эмас. Яқинда газетанинг бир гуруҳ ходимлари мана шу жойга, бугунги маорифимиз қалбида кечаётган ҳис-туйғулардан яқинроқ бохабар бўлиш ниятида тўпланишдик. Марказ аъзоларидан бир-бир фикр олдик. Табиийки, ушбу фикр-мулоҳазаларнинг барчаси таълим-тарбия жараёни хусусида бўлди.

Дарвоқе, бунгача Халқ таълими вазирлигининг деярли барча бошқармалари фаолияти билан танишиб чиққандик. Аслида Таълим марказига қилган сафаримиз ва бу ердаги учрашув биз — маорифчи-журналистларнинг ўз оламимизга, яъни маориф оламига қилган навбатдаги саёҳатимиз эди.

«Биз жиддий ишга киришдик,** — дея мақсадга кўчди яқинда шу марказ директори бўлиб иш бошлаган Ғайрат Шоумаров, — **энди фақат иш билан шуғулланмоқчимиз. Масъулиятимиз улкан ва айни пайтда муаммоларимиз кўп. Иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий тарбия, тарих, информатика, хорижий тиллар таълими... эҳ-ҳе, ёш авлодга бера билишимиз зарур бўлган, лекин биз маромига етказишга улгура олмаётган соҳаларимиз қанча».

Маорифчиларимиз ёш авлод тарбияси дея нечоғли ташвиш чексалар, биз ҳам улар ташвишига шерик бўлмоқликка шу қадар бурчлимиз. Шу боис, улар қалбида кечаётган муаммоларни қисман бўлсада, ўз мулоҳазаларимиз билан уйғунлаштирган ҳолда баён этишни ният қилдик. ***«Агар фикр эътиборга сазовор бўлса, уни ким билдираётганлигининг аҳамияти йўқ»,*** *дейишади. Ва бу ўринда ҳам, фикр айтаётган мураббийларимизнинг номини бирма-бир санамасак, маъзур тутасиз.*

Мактабларимизнинг бугунги кундаги асосий вазифаси комил инсонларни тарбиялаб етиштиришдан иборат бўлмоғи лозим деб ўйлайман**, дея фикр билдиради бир маорифчимиз.* ***Бу эса биринчи галда маънавиятга эътибор қаратмоқни тақозо этади. Айни кунларда ҳар бир мактабда бўлиши шарт ҳисобланган маънавият хоналарининг услубий тавсияномаларини ишлаб чиқишга киришилганлиги ҳам шу сабабдандир. Бу борада кўпгина мактаб директорларининг «Маънавият хонасини очиш учун бўш жойимиз йўқ» дея важ кўрсатишлари қизиқ ҳол. Чунки ҳар бир мактабда маънавият хонасига айлантирса арзийдиган жой бор — бу ўқитувчилар хонасидир. Демак, аввало ўқитувчиларимизнинг ўзлари маънавиятли бўлмоқлари керак. Жамият учун баркамол инсонларни маънан комил устозларгина етиштириб бера оладилар. Бу тарбияда ёшлар ташкилотию болалар уюшмасининг ҳам улушлари борлигини унутмаслигимиз керак.

Жамият ҳаёти ва мавқеи уни ташкил қилган шахсларнинг характерлари умумлашмасидан иборатдир. Бунда ҳар бир шахс аҳамиятини назардан қочирмаслик даркор. Кишилик жамиятига эса Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар ва қўшимча таълим соҳалари тарбиясини олган ёшлар ҳам кириб келишади. Шу маънода ушбу таълим муассасаларига ҳам эътиборни қаратиш зарурлиги хусусида фикр билдирган мураббий ҳақ.

Болаларга ўтилаётган, дейлик, 25 турдаги фаннинг ҳаммаси ҳам келажакда керак бўлармикан,** дея мулоҳаза қилади яна бир олимимиз. Ахир улар кейинчалик маълум соҳадагина фаолият юритмайдиларми? Масалан, мактабда она тили фанининг ўтилишидан мақсад нима?* ***Бу борадаги фаолиятимиз наҳотки грамматика қоидаларини болаларга зўр бериб ёдлатишдангина иборат бўлса? Ахир биз мактабда фақат тилшунослар тайёрламаймиз, барибир тайёрлай олмаймиз-ку! Жумладан бошқа фанлар хусусида ҳам ушбу фикрни қўллаш мумкин.

Тарбиячиларимиздан бири айтдики, ***боғчалар ишида ҳам қайта кўриб чиқиш заруратига айланаётган жиҳатлар бисёр. Боғчаларимизга биринчи галда миллийликни олиб кира билишимиз даркор. Ҳозирда миллий дастур ишлаб чиқилган ва ялпи миқёсда бўлмаса-да, жойларда қўлланилаётир. Хўш, дастурлар яратяпмиз, лекин улар ҳар доим ҳам биз кутган натижаларни бераяптими? Умуман ҳар бир бошлаган ишимизни охирига етказа биляпмизми, натижаларни собитлик билан таҳлил қила олаяпмизми? Боғчаларимизни турли ўйинчоқлар, жумладан техник ўйинчоқ воситалари билан таъминлай олаяпмизми? Аксарият ҳолларда болалар учун ўйин воситалари китобдан кучлироқ таъсир қилиши, сир эмас. Болалар ўйнаб-ўйнаб ўргана оляптиларми? Ўйин доирасида уларга боғчаданоқ маънавий, иқтисодий, экологик, хорижий тиллар тарбиясини сингдира билишга интилмоғимиз зарур.***

Мактабшуносларимизнинг маълумотига қараганда оиладан боғчага ва асосан мактабга келаётган жами болаларнинг кам деганда 60 фоизи нодир истеъдодга, қобилиятга эга бўлади. Лекин афсуски, мактабларимизни аксарият ўртамиёна болалар битириб чиқади. Чунки ҳар бир бола билан алоҳида ишлашга, унинг бор қобилиятини ҳам йўқотиб қўймасдан янада шакллантиришга эътибор ҳам, рағбат ҳам суст. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Мактабларимиз оилаларга қараганда бойроқ бўлса қанийди. Чунки, оиладаги, кўчадаги денди, видео, телевидение ва ҳоказолар таъсири остида мактабга келган боланинг қуруқ дарслар билан диққатини торта олмаймиз. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу жуда катта муаммо эканлиги аён бўлади. Уларни қизиқтириш мумкин бўлган кутубхоналаримиз ҳам афсуски жуда камбағалдир.

Таълим маркази ходимларини ҳам, барча маорифчиларимизни қийнаётгани каби, ўқитувчи қадрини кўтариш муаммоси ўйлантираётган экан. Бу йил — инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Демак, жумладан ўқитувчилар манфаати йили ҳамдир. Чунки ҳар бир ўқитувчи аввало инсондир. Назаримизда сўнгги йилларда урф бўлиб кетган оммавий тадбирларимиз орасида ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ қолиб кетаяпти. Мактабларимизда эркак ўқитувчиларнинг камлиги боис, ўғил болалар ичида ўзларини ўғил боладек тута билмайдиганлар кўпаймоқда, эркакча тарбиянинг ўрни кўп ҳолларда бўшаб қоляпти — шу орада куйиниб деди бир маорифчимиз. Адабиётимизда ҳам бирор кўзга ташлангулик нарса йўқ, ўқитувчи шахсини кўтарадиган. Жумладан, ўқитувчиликдан нафақага чиққан фахрийларимизга бўладиган алоҳида ҳурмат-эътибор ҳам ўқитувчи шахсини қадр-қимматининг ошишига олиб келган бўлур эди.

Яна бир маорифчимиз эътиборга моликлиги жиҳатидан суҳбатни якунласа арзигулик бир гап айтди, тўғрироғи хотирлади: ***«Қўриқ ерлар очиш, чўлқуварлик урф бўлган 70-йилларда бир газетада ёзиб чиқишганди: эмишки, фалон мактабнинг фалон ўқитувчиси ўз касбини ўзгартирди, «у қалб амри билан қўриқ ерлар очиб, пахта экиш учун чўлга жўнаб кетди». Қанчалар ғурур билан ёзишганди, қаранг! Ўша пайтлардан бошлаб бу касб ўз қадр-қимматини йўқота бошлади, назаримда».***

Биз ҳам ушбу фикр билан' мақоламизни поёнига етказа туриб ўйладик: Ўқитувчиликнинг қадр-қиммати кўтариляпти. Аммо у бундан ҳам баланд кўтарилади, қачонки ўша «чўлқувар» у ҳозирги «пулқувар» ўқитувчиларимиз (қалб амри билан) ўз касбларини ташламаганларида...

Икром ИСКАНДАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Мактабим — фахрим

ЁН ДАФТАРИ ҚАЙДЛАРГА ТЎЛА МУАЛЛИМ

Сутдай ойдин кеча. Кўкда ойнинг олтин тароғи. У гоҳ бир тилим ҳандалакни ёдга солади, аммо мовий денгиздаги олтин қайиқчадек сузади. Юлдузлар... Бир-биридан чақноқ юлдузлар...

Ўйга толаман. Уларнинг ҳар бири улкан сайёра ёки бамисоли қуёш эканига ишонгинг келмайди...

Муаллимларни юлдузларга қиёсласа бўлади. Чунки, улар ҳам умрларини зиё таратишга бағишлайдилар. Шугина эмас. Руҳий оламларига яқинлашган саринг ҳар бири ўзига хос сайёра, бамисоли заҳматкаш қуёш эканлигини ҳис этасан киши. Қобилжоннинг сўзларини эслайман:

— Кимда орзу йўқ дейсиз? Юлдуз бўлсам чақнаб яшардим. Юз йил тутагандан бир он лов этган афзал. Шунда кимлargадир нафинг тегади.

У бу гапни шунчаки айтмаганди. Қадрдон устозларининг ёрқин ва кучли хотираси беҳад даражада тўлқинлантириб юборганди уни.

Қобилжон 1957 йили Қизил Ўзбекистон номли 14 (ҳозирги Шаҳрихон шаҳар Ҳайратий номли 4- мактабнинг) 1-синфига қабул қилинди. Халқ маорифи аълочиси Ғуломжон ака Исмоиловга маънавий ота — ўғиллик ришталарини боғлади.

1965 йил. Илк баҳор кезлари эди. Қобилжон, дарсдан кейин менга бир учрашиб кетгин, — деб қолди устоз (Ғуломжон ака шогирдини ўз ўғлидай кўрар, шу боис кўнглига яқин олиб «сен»-сираб гаплашарди).

Учрашдилар. Устоз ўйчан эди. У ўсмоқчилаб гап бошлади:

— ... Тасодифан «Ким бўлсам экан?» мавзуидаги иншоингга кўзим тушиб қолди...

Ёдида. Иншо шундай мазмунда эди: «Бирор касбни эгалламайдиган инсон йўқ. Қобилиятлилар касбини ҳунар даражасига кўтаради. Агар иқтидори, истеъдоди ҳам бўлса, — санъат камолига кўтаради.

Менинг дадам Райимжон — оддий темирчи. Бироқ, бутун водийга донги таралган. Негаки, қўли гул. Темирга «жон» киргиза олади. Унинг касбида кимёгарлик, наққошлик, чизмачилик, оловкорлик, математика, физика сирлари мужассам. Мен ҳам унинг изидан бормоқчиман».

Очиғи, Қобилжон навбатдаги мақтовни кутганди. Аммо, гап нишаби бошқа ёққа йўналди.

— Чакки эмас-ку, шу... Нима десам экан? Темирчиликка қўлинг анча келишиб қолган. Ҳар қачон уддалаб кетасан. Бироқ, бир йигитга қирқ ҳунар оз, деганлар. Сенда ўқитувчилик салоҳияти янада кучлироқ. Уқишни давом эттир. Муаллим бўл.

Қобилжон ҳозирги Шаҳрихон шаҳар 1-«Намуна» мактабини битириб чиқди. Бу гал машҳур муаллим Зиля ака Кириев орзуларига қанот бағишлади. У ўзбек жонли тилида тимсолий (образли) гапиришни ёқтирарди.

— Низомийга борасанми?

— Низомийга.

— Низомийдек устоз сени жон деб бағрига олади. Соҳанги аниқ белгилаб олдингми?

— Қайдам... сал иккиланиброқ турибман.

— Тўқайни остонидан танла, нишонни энг яқиндан ол, бўлмаса овинг юришмайди. Нақлиёти кўп. Менимча сенга умумтехника ва меҳнат куллиёти маъқул. Интилишинг шунга мос.

Бу — маслаҳатгина эмас, бамисоли башорат экан. Қобилиятли шогирд Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг умумтехника ва меҳнат куллиётида таълим олиб кам бўлмади. Техника фанлари номзоди Тоғай ака Бобоев ва бошқалар ундаги умид учқунларини алангалантирдилар.

Афсуски, бу меҳри дарё устозлардан Зиля ака Кириевгина ҳаёт. Аммо Қобилжон Раҳимов каби шогирдлар улар очган сўқмоқларни давом эттириш, кенгайтириш учун тинимсиз изланмоқдалар. Биргина мисол. Ёш муаллим тез орада бош бўлди. Ундаги ташкилотчилик, раҳбарлик санъати фазилатларини илгаган шаҳар халқ таълими бўлими мудири Абдуманнон ака Ҳомидов Қобилжонни 2-мактабларароо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг ўқув-ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари этиб тайинлади. Бу ерда халқ маорифи аълочиси, таълим-тарбия соҳасида 44 йил меҳнат қилган Аъзамжон ака Маҳмудов раҳбарлигида истеъдод ва маҳоратларини оширди.

Қ. Раҳимов замон билан ҳамқадам. У комбинат таянчида халқ амалий санъати лицейи ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Лицейнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари этиб тайинланган. Чизмачиликдан дарс беради.

— Наққошлик, рассомчилик, зардўзлик, ҳаттоки, тикувчиликнинг ҳам ўзаги, яъни, шаклу шамойил суяклари чизмачиликдир, — дейди у. Юрак ва жон эса истеъдод, иқтидор, тажриба ҳамда тинимсиз изланишдир. Чизмачиликдаги ҳар бир «аъло» баҳо камолот қасрига олтин ғиштдир. Ҳар дарсни буни назарда тутган ҳолда ўтаман.

Қобилжоннинг ён дафтарчаси ҳар хил қайдларга тўла. Донишмандлар ҳикматлари дейсизми, донолар бисотидан дейсизми, мақолу маталлар, шифобахш дуолар дейсизми — ҳаммасидан бор. Ҳар соатини дақиқалар бўйича ишларга бўлиб чиққан. Вақт доим тиғиз. Онлар етишмайди, бироқ етказишга улгуради. Кутилмаган топқирликлар қилади. Майда пиёзчалар қўқ бойлаб кетган экан, эктириб қўйди. Кейинчалик ошхона ҳам ош кўки-ю пиёзга ёлчиб қолди. Лицей атрофини боғу роғ, сабзавот ерга, гулзорга айлантиришга бошқ қош бўлди. Гулзорлар файзи ўзгача. Булар тиниб-тинчимаслигидан.

Лицей истеъдодларининг тадбиркор, машҳур, ишбилармон Тоиржон Қобилов, Андижоннинг машҳур мусаввирларидан Обиджон Бакиров ва Абдугоффор Маматовлар билан учрашувларини уюштирди. Бу ўзига хос тажриба бўлди. Ҳар тадбир ташаббускори — у, Хусусан, унинг бошчилигида лицей ўқувчилари тайёрлаган амалий санъат маҳсулотлари асосида шаҳар ва вилоят ярмаркаси ташкил этилди. Кўплари сотилди, кўпларига буюртмалар қабул қилинди.

Шогирдларидан Жаҳонгир Саматов, Ҳусниддин Эргашев, Фарҳод Муллажонов каби талабалар олийгоҳларда таҳсилни давом эттирмоқдалар. Шогирдларидан умиди янада катта. Бу йилги битирувчилар билан «Битирувчи из қолдир» шиори остида ўтказилган қўрик, халқ амалий санъати дурдоналари билан илм масканини жиҳозлаш, зардўзлик ихтисоси бўйича талантлар кўрик-танлови ижодкоридир.

... Осмон тўла юлдузлар. Ўйга толаман. Уларнинг ҳар бири улкан сайёра ёки бамисоли қуёш эканига ишонгинг келади...

Машраб РАҲМОН,
республика ижодкор ўқитувчилари анъанавий анжуманлари иштирокчиси, олий тоифали ўқитувчи.

ҲАР ДАВРНИНГ БИР ТАЛАБИ БОР

Фарзанд тарбияси ҳамма даврларнинг энг муҳим масаласи бўлиб келган. Шунинг учун бўлса керак, ўз даврининг йирик мутафаккирлари ҳам асарларида тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратишган. Чунки кунгилдагидек тарбия келажакка тамал тошини қўйиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, тарбия шунчалик бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган поғоналардан иборатки бу поғоналарнинг бирортасида хатоликка йўл қўйиш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Дейлик, таълим-тарбиянинг остонаси бўлган боғча ва оиладаги тарбия кишининг шаклланишида бирдан-бир ўрин тутади.

Аслида болани боғчада тарбиялаш яхшими ёки оиладами? Бу мавзуда кўп вақтлардан бери баҳс бўлиб келади. Ҳар хил фикрлар айтилади. Баъзан қизиқ бир савол туғилади. Ота-боболаримиз, буюк алломалар, донишмандлар қай тарзда тарбияланганлар?

Бу саволларга жавоб изласак, бола тарбиясида боғчанинг ўрни беқиёслигига амин бўласиз. Қадим вақтларда боғча бўлмасада, болага алоҳида тарбиячилар ёлланган. Қизиғи шундаки, ҳамма даврларда ҳам бола ота-онадан ажратиб тарбияланган. Бунинг ўзига хос ҳикмати бўлса керак. Бу ҳикматнинг биз илгаган томони шу бўлдики, ота-она қанчалик қаттиққўл бўлмасин, болага қайсидир томондан эрк бериб қўйиши мумкин.

Яна мавзуга қайтиб, болалар боғчалари хусусида шуни айтиш мумкинки, бугунги 1-синфга борган болаларни кузатсангиз, боғчада ёки уйда тарбияланганлиги сезилиб туради. Айниқса, буни болаларнинг бир-бирига бўлган муомаласидан осонроқ илғаб олиш мумкин. Чунки боғча тарбиясини олган бола тенгдошлари билан тез киришиб кета олади. Ҳозирги пайтда болаларга чет тилидан дастлабки сабоқларнинг боғчада берилиши эса ушбу тарбия масканларининг нуфузини яна бир карра оширди.

Дарҳақиқат, болаларимизни қаерда бўлмасин, ҳақиқий шарқона, ўзбекона услубда тарбиялаш бугуннинг ва келажакнинг талаби эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Гулноза МЎМИНОВА.

Ислом ва илм

ВОРИСЛАР НИМАЛАРНИ БИЛИШГАН

ЁХУД МЕРОС ТАҚСИМЛАШНИНГ МАТЕМАТИК НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Ислом динида ворислик ҳуқуқи шариатга кўра белгиланган бўлиб, унга Қуръони шарифнинг «Нисо» сурасидаги бир неча оятлар асос қилиб олинган. Бу оятларнинг мазмунига кўра, қонуний ворислар ва уларга меросдан тегадиган улушлар қуйидагича бўлади:

1. Ворис — фарзанд. Ўғилнинг улуши қизнинг улушидан икки баравар кўп бўлади. Агар ўғил (қиз) ягона ворис бўлса, унга меросниг ҳаммаси (ярми) тегади.

2. Ворис — эр. Агар вафот этган аёлнинг фарзандлари бўлмаса, у ҳолда унга меросниг ярми, агар фарзандлари бўлса, у ҳолда меросниг тўртдан бири тегади.

3. Ворис — хотин. Агар вафот этган эркакнинг фарзандлари бўлмаса, у ҳолда унга меросниг тўртдан бири, агар фарзандлари бўлса, у ҳолда унга меросниг саккиздан бири тегади. Агар ворис хотинлар икки ёки ундан ортиқ бўлсалар, улар меросниг учдан иккисига тенг шерик бўладилар.

4. Ворис — ота-она. Агар вафот этган аёл ёки эркакнинг фарзандлари бўлмаса, у ҳолда унинг онасига меросниг учдан бири, қолгани отасига тегади. Агар унинг фарзандлари бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бирига меросниг олтидан бири тегади. Агар вафот этганнинг ака-ука, опа-сингиллари бўлса, у ҳолда унинг онасига меросниг олтидан бири, қолгани отасига тегади.

5. Ворис — ака-ука ва опа-сингил. Агар вафот этган эркак ёки аёлнинг ота-онаси бўлмаса, улар мерос тақсимлашда ворис сифатида иштирок этишади. Агар фарзандлар бўлиб, ворис битта бўлса, у ҳолда унга меросниг олтидан бири тегади. Агар ворислар биттадан ортиқ бўлсалар, улар меросниг учдан бирига тенг шерик бўладилар. Агар фарзандсиз ёлгиз эркак (аёл) вафот этган бўлса, опа ёки сингил (ака ёки ука) меросниг ярми (ҳаммасини олади). Агар опа ёки сингиллар сони иккита бўлса, у ҳолда уларга акаси ёки укасининг меросини учдан иккиси тегади. Агар ворислар ака ёки уқа ва опа ёки сингил бўлса, у ҳолда уларга мерос тақсимлаш эркак кишининг улуши аёл киши улушидан икки баравар кўп бўлишликка асосланади.

Изоҳ: Ворисларга юқорида айтилган барча улушлар, вафот этганнинг васият ва қарзларини адо этгандан сўнг тақсимланади.

Бундан ташқари, ворислик ҳуқуқига вафот этган кишининг васиятномасида қабул қилинган кишилар ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай ворисларга васият бўйича ворис дейилади. Ислом фиқҳига кўра, васият бўйича ворисларга меросниг учдан биригача улушини васият этиш дуруст бўлади. Қонуний ворисларга тегадиган меросни эса зарурий ёки керакли мерос дейилади.

Ворислик ҳуқуқига доир масалаларни математик ифодаласак, у аниқмас биринчи даражали тенглама ёки квадрат тенглама ёки бир неча номаълумли тенгламалар системаси кўринишига келади. Бу масалаларни ечиш эса математикадан махсус билимга эга бўлишни тақозо этади. Шу мақсадда, IX асрдан бошлаб Бағдодда асосий вазифаси ҳуқуқшунослар, давлат арбоблари, савдогарлар ва бошқа тоифадаги мутахассисларни ўқитишдан иборат бўлган олий ўқув юртлари (мадрасалар)нинг ўқув дастурларига махсус предмет сифатида киритилди. Бу эса ўз навбатида ўша давр олимларидан махсус ўқув қўлланма яратишни талаб қилар эди. Шундай қилиб, IX асрда «Ворислик ҳуқуқи», яъни мерос тақсимлашнинг математик назарияси ва амалиётининг пайдо бўлиши учун шарт-шароит пайдо бўлди.

Дастлаб ворислик ҳуқуқининг математик назарияси ва амалиётига оид масалалар билан Бағдод академиясининг олимлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, ал-Хутталий шуғулланишди. Уларнинг арифметик ва алгебраик асарлари бу масалани ҳал қилишга мўлжалланган дастлабки қўлланма бўлди. Масалан: Хоразмийнинг «Ал-жабр ва муқобала амаллари ҳақида қисқача китоб» номли асарининг «Васиятлар китоби»да ворислик ҳуқуқига доир 9 турдаги масалани арифметик ва алгебраик усулларда ечиб кўрсатилган.

Хоразмий масаласи. Вафот этган кишининг онаси, хотини, икки укаси ва икки синглиси қолди. У бошқа бир одамга ўз молини тўққиздан бирини васият қилган.

Ечиш (Арифметик усул). Исломда ворисликнинг шариат ҳуқуқига кўра, онаси молнинг $\frac{1}{6}$ қисмини, хотини $\frac{1}{8}$ қисмини олгани учун зарурий мерос 48 қисмга бўлинади. Бундан саккиз қисми онасига, 6 қисми хотинига, қолгани эса укалари ва сингиллари ўртасида тақсимланади. Зарурий мерос бутун меросниг $\frac{8}{9}$ қисми бўлгани учун, бутун мерос $\frac{9}{8}$ 48=54 қисмга бўлинади.

Бундан 9 қисми — васият қилинган кишига, 8 қисми онасига, 6 қисми хотинига, қолган 31 қисми эса укалар ва сингиллар орасида тақсимланади.

Ҳутталий масаласи. Бир кишидан уч ўғил қолди. У бир кишига ўғилларидан бирини улушидан молининг тўртдан бирини айирилганини васият қилди.

Ечиш (Ал-жабр ва муқобала — алгебраик усул).

х бутун мол, ўғилларидан бирининг улуши бўлсин. У ҳолда масала $x - (\frac{1}{4}x) = 3$ тенглама кўринишида бўлади.

$$x + \frac{1}{4}x = 3 +$$

$$\frac{5}{4}x = 4$$

$$5x=16$$

Бундан Х = 16 ва = 5 экани келиб чиқади.

Демак, бутун мерос 16 қисмга тенг бўлиб, ундан ўғилларининг ҳар бирига беш қисмдан ажратилади, қолгани васият қилинган кишига тегади.

Ворислик ҳуқуқи масаласи билан X-XI асрларда хоразмлик математик ва ҳуқуқшунос олим Абу Али ал-Ҳасан ибн Харис ал Хубубий ҳам шуғулланган. Бу унинг «Ал-жабр вал-муқобала» тўғрисида изланишлар китоби»да келтирилган. Ҳубубий қўйилган масалани алгебраик, кесма, юза, икки ёлғон ҳол, динор ва дарҳам (ўрта асрларда ислом мамлакатларидаги пул бирликлари) қиёс усулларида ечиб кўрсатади.

Алгебраик ва қиёс усуллари деярли бир хил бўлгани ва Хутталий масаласида келтирилган усул билан устма-уст тушгани учун, бу усуллар ҳақида тўхталмаймиз.

Ҳубубий масаласи. Бир одам бир кишига ўғлининг улушига тенг улушни, бошқа кишига эса меросниг учдан биридан (улуш ажратилгандан кейин) қолганининг учдан бирини васият қилди. У ўзидан уч ўғил қолдириб вафот этди.

Ечиш (кесма усули). Мерос деб, бутун АВ кесмани қабул қилиб, уни уч қисмга бўламиз. Биринчи қисм — АЗ кесма иккинчи кишининг улуши (АЗ кесма АВ кесманинг ўттиз учдан бирига тенг). Қолган ВД ва ДЗ кесмалар уч ўғил ва биринчи кишининг улушидир. ДК, КН, НВ кесмалар эса ўғилларнинг улуши бўлади.

А . . . . . В

З Д К Н

Ечиш (юза усули). Меросни АВ тўртбурчакнинг юзаси деб қабул қиламиз ва унинг юзларини тенг учта АД, ДК, КВ тўртбурчакларга бўламиз. В нуқтадан ўзаро тенг бўлган тўққизта юзани ҳосил қилувчи учта кесмани кетмакет қўямиз. Натижада ҳосил бўлган тўққизта квадратчаларнинг саккизтасини юзи биринчи кишининг улуши, ўзаро тенг АС, СК, КF юзалар эса учта ўғилнинг улуши, НЗ юза иккинчи кишининг улуши бўлади (2-расм).



(2-расм)

Ечиш (динор ва дирҳам усули). Агар меросниг учдан бири — (шартли равишда 1 динор 8 сонига, 1 дирҳам) 1 сонига тенг деб олинган)ни бир динору уч дирҳам десак, у ҳолда мерос 3 динору 9 дирҳам бўлади. Биринчи кишига васиятда айтилган улуши берилса, 2 динору 9 дирҳам қолади. Агар ҳар бир ўғилга 1 динордан берсак, иккинчи кишига бир дирҳам қолади.

Ислом мамлакатларида бу масала билан Сижовандийдан сўнг, ан-Нафасий (XII аср), Саид Шарифий Журатоний (XIV аср), Баҳоуддин ал-Омилий (XVI аср) каби кўплаб математиклар ва ҳуқуқшунослар шуғулланишди. Юқорида номлари зикр қилинган муаллифлар ҳам ворислик ҳуқуқининг математик назарияси соҳасидаги масалаларни ечишда Сижовандий каби иш тутдилар. Бундан ташқари Сижовандийдан сўнг яшаган математиклар ва ҳуқуқшунослар унинг асарига 50 га яқин шарҳлар ёзишган. Бундан кўринадики, Сижовандийнинг «Сирожиддиннинг мерос ҳуқуқи» асари ислом мамлакатларида ворислик ҳуқуқи ҳақидаги асосий қўлланма бўлиб хизмат қилганлигини билдиради.

Шу ерда, нима сабабдан бунча кўп шарҳлар пайдо бўлди? — деган савол туғилиши табиий, бу сабаблар қуйидагилар:

а) ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши;

б) пул бирликларининг турличалиги ва ўзгариб туриши;

в) пул ва валюта нисбатининг ўзгариб бориши;

г) математик ҳисоб-китобларнинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Европа математиклари ислом математикларининг ворислик ҳуқуқига доир ишлари билан XIX асрдан бошлаб танишдилар.

Шундай қилиб, кўринадики, ворислик ҳуқуқига доир масалалар ислом мамлакатлари математикаси тараққиётига, хусусан, тенгламалар назарияси ривожланишига таъсир қилган омиллардан бири экан. Бундан ташқари, кейинги йиллардаги фан тарихи олимларининг илмий изланишлари натижасида ворислик ҳуқуқига доир кўплаб қўлёзмалар топилмоқда. Ўз навбатида бу қўлёзмалардан ислом мамлакатлари математикаси тараққиётини ўрганиш учун манба сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Норқул НОРМУРОДОВ,
ТошДУ аспиранти.

ЭЪЗОЗ

Кува шаҳрида «Пок сиймолар билмагай завол» адабий мусиқали композиция ўтказилди. Унда шаҳарнинг 1-мактабига Хоринбой Эрматов номи берилди. Қувонарлиси шундаки, шаҳар кўчаларининг бири ҳам унинг номи билан аталадиган бўлди.

Тадбирда Фарғона узумчилик ва мевачилик илмий-текшириш институти раҳбари Маматқул Раҳматов, заҳирадаги полковник Боқи Каримов, Кува тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Таваккал Исмоилов, Кува шаҳар маданият ишлари бўлими мудири Абдураҳим Каримов ва меҳнат фахрийси Мусо Улиқовлар сўзга чиқдилар.

Кечада марказий маданият уйи қошидаги «Зебо» ашула ва рақс дастаси катта концерт дастури намойиш қилди. Тадбирда 400 дан зиёд меҳмонлар иштирок этишди.

М. КАРИМОВА.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ (лат — ажратиш, бекор қилиш, юнон, — танҳо ва — сотаман) — иқтисодиётдаги монополия (танҳо ҳукмронлик)дан эркин, тенг, ҳуқуқли, рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Демонополизация соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Демонополизация икки йўл билан боради: йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; якка ҳоким корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар билан рақобат қила оладиган параллель (бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулот чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади. Демонополизациялашда антимонопол органлар ва қонунчилик муҳим аҳамиятга эга.

ДЕМПИНГ (инг. — Ташлаш) — ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш харажатларидан паст (арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш; товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш; ташқи бозор учун кураш, рақобатчини синдириш воситаларидан ҳисобланади. Кўрилган зарар ички бозорда юқори нархларда сотилган товардан олинган фойда, давлат бюджети ҳисобига қопланади. Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ) 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди. Бу кодексда демпинг ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартибқоидалари, импортёр мамлакат фирмалари томонидан демпинг натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқарадиган экспортёр мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш йўллари кўзда тутилган. ГАТТда антидемпинг комитети бор (1993).

ДЕНОМИНАЦИЯ (лат. -номини ўзгартириш) — эски пулни қадри юқори қилиб белгиланган, аммо номи эскича қолган янги пулга маълум нисбатда алмаштириш ва шу нисбатга қараб нархларни ҳам ўзгартириш. Мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш тадбирларидан бири, пул қадри пасайишини тўхтатиб қолиш ёки сусайтириш орқали пул тизимини соғломлаштириш мақсадида амалга оширилади. 1960 йилда Францияда ўтказилган деноминация пайтида эски франк янги франкка 100:1 қилиб алмаштирилган. Собиқ СССРда 1947 ва 1961 йилги пул ислоҳотларида пул 10:1 нисбатда алмаштирилган, лекин 1947 йили нархлар пулни алмаштириш нисбатига қараб ўзгартирилмаган, 1961 йилда эса товарлар нархи ҳам 10 марта пасайтирилган.

ДЕНОНСАЦИЯ — шартномадан воз кечиш; шартнома муддати тугагунга қадар томонларнинг биридан шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома бўлмаса, шартнома ўз кучида қолади.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ — кредит муассасасининг омонатчига депозитни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул маблағлари депонент қилинганлиги ҳақидаги ёзма гувоҳномаси. Депозитлар муддатли ва талаб қилиб олинадиган шаклларда бўлади.

ДЕПОЗИТЛАР(лар. — омонат, асраб қўйилган).— 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар; 2) мижозларнинг банкка муайян талабларини тасдиқловчи, банк дафтаридаги ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) божхона муассасаларига бож ва божхона йиғимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар; 5) суд ва маъмурий муассасаларга даъвони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Мактаблардан мактублар

Инсон зоти борки, ўтган кунлар ёди ва келажакнинг умиди билан яшайди. Ёлғончи дунё дея ёлғон-яшиқ гапларни қалаштириш — турган биттани фожиадир. Ўн эмас, минг эмас — миллионлаб кишилар «шўро тузумига» алдангани фош бўлган кезда ўша умрлар «тушда кечгани»га иймон келтиргинг келади. Севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романини қайта-қайта ўқирканман, шууримда шундай ўйлар кечади.

Шўро тузуми даврида қанчалар алдангани ҳанузгача англамаган ёхуд бу ҳолни тан олмаган кимсалар йўқ эмас орамизда. Қизил «партбилет»ини авайлаб яширганча пайт пойлаган унсурлар топилади. «Тушда кечган умрлар» романи қаҳрамони комиссар Ғаниев наинки асарда, балки ҳаётда ҳам ўлмагани эҳтимолдан ҳоли эмас...ўзи-ку, умрини яшаб фаати учун фойдалангани асарда маҳорат билан чизилган.

«Тушда кечган умрлар» романи қаҳрамонларининг ҳар бири - жонли сиймолардир. Унда ясама «қаҳрамон» ёхуд тўқима гап тополмайсиз. Яқин ўтмишимиздаги воқеа-ҳодисалар, тарихга айланган кўргуликлар рўйирост ёритилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеалар, ундан олдинги ва кейинги қатағонлар, турфа алғов-далғовлар, «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломатлар... барчабарчаси ушбу асарда бадиий воқеалар воситасида ўрин олгандир.

Қуш палапонига қанот қоқишни ўргатади, сувдаги жонзотлар сузишни. Хўш, инсончи? Аввало қадам ташлашни юришни ўргатади. Сўнг, мулла билганини... деганларидек, кимдир фарзандига ҳунар ўргатса, аллакимлар «ота изидан» етаклашга тушади.

«ТУШДА КЕЧГАН УМРЛАР»

бўлган бир унсур , тағин ўзига ўхшаган қонхўрларни «тарбиялашга» чиранади. Қоғоз мисол парчаланиб кетган ўша тузум қисматидан бехабардек янги давр одамларини, хусусан, суд-тергов соҳасида фаолият кўрсатаётган ёш кадрларни ҳам чалғитишга, ўз «изми»га солишга уринади. Сўроққа чақирилганидаёқ у терговчини ўзига «коллега» қилиб олади:

«—Биринчидан, ўртоқ терговчи, мен «гражданин Ғаниев» эмас, истеъфодаги полковник, ўртоқ Ғаниевман! Марҳамат қилиб, ўртоқ полковник деб мурожаат этишингизни сўрайман. Ўртоқ Комиссар десангиз ҳам розиман. Мени таниганлар «ўртоқ Комиссар» дейишади.

— Биз сизни гувоҳ сифатида повестка билан...

— Повесткангизни пиширириб енг! Хоҳласам, генералнинг ўзи билан гаплашиб қўя қоламан!

— Марҳум Шоматовни биринчи бўлиб сиз...

— Ҳа, мен кўрганман! Такрор айтаман. Мени сўроққа чақирган бўлсангиз, адашасиз. Шунчаки коллега сифатида маслаҳат сўрасангиз бошқа гап».

Отдан тушса ҳам,эгарга чирмашадиган бу кимса ҳамон одамларни сўроқ қилиш мумкин бўлган идора ходимларига «ҳамкасб» санайди ўзини. Ҳатто, ёш «коллега»сига ваҳшиёна, қонхўрона усулларини ўргатади. Романда комиссарнинг асл қиёфаси, жирканч башараси, қўрқинчли хатти-ҳаракатлари ҳаққоний тасвирланган.

Аслида, ўзи унсур бўлган бу нусха ҳаётида ҳеч кимга — ҳатто, ўша эски тузум — «совет жамияти»га ҳам вафо қилмайди, аксинча, барчага хиёнат қилгани, қонунлардан жиноятқорона манфаатини кўзлаганлар ҳам Комиссарга ўхшаганлар ҳам тинч ўтиришмайди, албатта, ёш «коллега»сига «тажриба»ларини баён қилади.

Биз-чи? Ёш авлодга таълим-тарбия бераётган муаллимлар қандоқ йўл тутишимиз керак? Минг қатла шукроналар бўлсинким, Ўзбекистон аталмиш азиз юртимиз мустақилликка эришди. Шунинг баробарида биз учун дунё ўзгарди. Дунёга бўлган қарашларимиз, муносабатимиз ўзгарди. Ҳаёт аталмиш улуғ неъматдан ўзгача баҳраманд бўла бошладик. Инсон учун энг муқаддас Туйғу — Ватан туйғусини англадик. Буюк келажак сари отландик.

Шўро даври адабиёти, умуман, ясама қаҳрамонлар, ёлғон-яшиқ гаплар билан тўлиб-тошган айрим «асар»лар ҳақида баҳс юритмоқчи эмасман. Бироқ, биз мактабда ёш авлодга тўғри гапни айтиш, кечаги тарих сабоқларини тушунтириш учун ҳаққоний асарлар зарур-ку. Ватан истиқлолини унинг ҳур фикрли адабиётида, миллий истиқлол мафкурасида, маънавият ва маърифатда яққол кўриш мумкин. Ана шундай ҳур фикрли адабиётимизни «Тушда кечган умрлар» романи тимсолида кўргандек бўламиз. Зотан, ўша ўтган умрлар, унинг аччиқ сабоқлари ҳақида ёш авлодга сабоқ беришда мазкур асар муҳим ўрин тутади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романини ортиқча таҳлил қилишимга ҳожат бўлмаса керак. Онгли, тафаккурли ўқувчилар ўзлари одилона хулоса чиқаришларига ишонаман.

Сайфулла ЭРГАШЕВ,
Иштиҳон шаҳри, 30-мактаб ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

«МАЪРИФАТ» ҚУШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Маълумингизким, юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 27 августдаги Фармонига мувофиқ, ўтган йили 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси анъанавий қушиқ байрамини ўтказиш тўғрисида Қарор қабул қилган эди.

Кўпгина муассаса ва ташкилотлар қаторида болалар боғчалари, мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жамоаларининг ҳам ушбу байрамда янада фаол қатнашишларини таъминлаш мақсадида «Маърифат» газетаси ҳам

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Унда ижодкор ўқитувчи ва ўқувчилар, талабалар ўз шеърлари ва мусиқалари билан иштирок этишлари мумкин. Асарларда, юқорида эслатиб ўтилган Қарорда таъкидланганидек, «Ўзбекистон — Ватаним маним» ғоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан туйғуси, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш туйғуларини тарбияловчи» ғоялар акс этмоғи керак.

Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутади:

— 1 та 1-ўрин учун 5 минг сўм

— 1 та 2-ўрин учун 3 минг сўм

— 1 та 3-ўрин учун 2 минг сўм

Танловга шеър матни мусиқа нотаси билан биргаликда жўнатилиши шарт. Танлов март ойининг охирида якунланади.

Қўшиқ байрами

«БУНАҚАСИ БЎЛМАГАН...»

Узбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Маданият ишлари вазирлиги биргаликда, утган йили боғча ёшидаги болаларга бағишланган энг яхши қўшиқлар учун биринчи марта «Қушиқларда диёр мадҳи» деб номланган курик-танлов эълон қилган эдилар. Мазкур танловга йил давомида 270 дан ортиқ асарлар тақдим этилди. Бу конкурсга профессионал, ҳаваскор мутахассислар ва болалар боғчалари мусиқа раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Бу ҳақда бастакор Шермат Ёрматов ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида шундай деди:

— Дунё миқёсида бунақаси булмаган. Мен шу соҳада 36 йилдан буён меҳнат қилиб келяпман. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун конкурс биринчи бор ўтказилиши. Унга кўпгина ёзувчи ва бастакорлар иштирок этишди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» куриктанлови ўтказилганда 150 та қўшиқ қатнашган эди. «Қушиқларда диёр мадҳи» конкурсига эса икки баробар кўп асар келган. Ташкилий қўмита томонидан бизларга барча асарлар шифрланиб топширилди. Ҳайъат аъзолари икки ҳафта мобайнида ҳар бир асар билан яқиндан танишиб чиқиб, 10 та асарни ғолиб деб топди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, «Капалак» асари учун Ҳабибулла Раҳимов ҳамда Садоқат Файзиеваларга биринчи ўрин берилиб, 5 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирландилар. «Бабақ хўроз» асари учун Надим Норхўжаев ва Пулат Муминларга 2-ўрин берилиб 4 минг сўмдан пул мукофоти берилди. «Асл бобо» асари учун Каримжон Маъруповва шоир Қамбар Отага III-ўрин берилиб, 3 минг сўмдан пул мукофоти тақдим этилди. Кўрик-танлов иштирокчиларидан 7 киши рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Январь ойининг бошида Республика таълим маркази залида ана шу конкурс якуний кечаси бўлиб ўтди. Уни Республика халқ таълими вазирининг муовини Хайриддин Мақсудов кириш сўзи билан очди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Бастакорлар уюшмаси аъзоси, доцент Ҳабибулла Раҳимовга конкурс якуни ҳақида ахборот бериш учун сўз берилди. Кечада «Бўлбулча» хори аъзолари композитор Шермат Ёрматов раҳбарлигида ғолиб деб топилган асарларни ижро этиб бердилар.

Байт ТУРДИЕВ.

Ибратли ҳикоятлар

НОТЎҒРИ САЛОМ

Жаноби Расулуллоҳ завжалари ҳазрати Ойша билан суҳбатлашиб ўтирган эдилар. Бир киши уларнинг ҳузурларига келиб, «Ассалому алайкум» («сизга тинчлик бўлсин») деб саломлашиш ўрнига «ассом алайкум» («сизга ўлим бўлсин») деди. Кўп ўтмай иккинчи бир киши келиб, у ҳам шу сўзни такрорлади. Бу тасодиф эмас эди. Улар Расулуллоҳни ёмон кўрардилар, шунинг учун тилларари билан уларга озор бермоқчи бўлдилар. Ойша онамиз қаттиқ ранжидилар ва овозларини баланд қилиб: «Ўзларингизга ўлим бўлсин!...» дедилар.

Расулуллоҳ дедилар: — Эй Ойша! Нодуруст сўзларни гапирма! Ёмон сўзлар мужассам бўлса, ёмон оқибатлар келтириши мумкин. Мулойимлик эса кишига зийнат бағишлайди. Нега жаҳлинг чиқади?

Ҳазрати Ойша дедилар: Ё Расулуллоҳ! Ахир улар салом ўрнига қандай нолойиқ сўзларни айтдилар.

Расулуллоҳ дедилар: — Ахир мен ҳам уларга «алайкум» («ўзингизга бўлсин») дедим-ку! Шунинг ўзи кифоядир.

КИМ КУЧЛИ?

Бир гуруҳ ёшлар ўзларининг жисмоний қувватларини синаш учун мусобақа уюштирган эдилар. Майдонда катта тош турарди ва ҳар ким қуввати етганича уни санаб кўтарарди. Шу пайт Расули акром келдилар ва дедилар: — «Нима қилаяпсиз?»

— Ўз кучимизни синаяпмиз. Орамизда ким кучлироқ эканлигини билмоқчимиз.

Расулуллоҳ дедилар: — Ким кучлироқ эканлигини айтишимни истайсизми?

— Албатта, Расулуллоҳ ўзлари бизга ҳакамлик қилсалар, яна ҳам яхшироқ бўларди, — дейишди улар.

Тўпланганларнинг ҳаммаси Расулуллоҳ қайси биримизни ғолиб биларканлар, деб ҳайрон бўлиб туришарди.

Расулуллоҳ дедилар: ҳаммадан кучли ул кишидирки, бирон мавқени ёки мол-мулкни қўлга киритиш деб инсонийликни йўқотмайди. Агар бир нарсадан жаҳли чиқса, унинг руҳида ғазаб мавж уради, лекин ғазабини юзага чиқармайди. Ёлғон ва бўҳтонга оғиз жуфтламайди. Инсон жисмонгина эмас, руҳан ҳам қувватли бўлмоғи керак.

Бахриддин МАҚСУД ўғли тайёрлаган.

Хулласи...

ОНАЖОНЛАР ЭШИТИШМАСИН

Йўқса, таҳририятимизнинг эшигини бузиб бостириб киришлари мумкин. «Уша компьютердан топиб беринглар», деб талаб қилишса қайга борамиз? Гап нима ҳақида бораётганини билдингизми? Йўқ?! Унда яқинроқ келинг, қулоғингизга айтамиз:

Исроил дорилфунуналаридан бирининг мутахассислари ажойиб компьютер яратишди. У аккустик воситалар ёрдамида чақалоқларнинг йиғлаш сабабларини аниқлайди. Ҳатто, гудак қандай касалликка чалинганидан ҳам хабардор қила олармиш...

ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ БЎЛСА ҲАМ...

Канадалик Ричард деган сайёҳ иймони саломат эканлигини бир карра исбот қилди. У 1978 йили Янги Зелландияга борган эди. Ушанда ресторанларнинг бирида мириқиб овқатланган, бироқ чўнтаги қуп-қуруқлиги туфайли тушлик ҳақини тўлай олмаган эди. Уша кўнгилсиз воқеани Ричард орадан 14 йил ўтгач ўз юртида эслаб қолди. Сўнг, почта орқали ўша тушлик ҳақи учун пул жўнатди. Тағин кечирим сураб, ресторан эгасига турт энлик хат ҳам битганини айтмайсизми?

ИЛДАМ ҚАДАМ ОДАМ

У Норвегиялик Эрнет Менсен экан. Эрнет атиги 14 кун ичида Париждан Москвагача пиёда келган. Истанбулдан Калькута (Калькутта)га, Калькатадан Истанбулга қилган саёҳатида эса 59 кун сарфлаган. Бу жами бўлиб 8856 километрлик масофа экан. Эрнет мунча масофани фақат пиёда босиб ўтган...

УЧ ҒИЛДИРАКДА — ЎН КИЛОМЕТР

Ҳа, 80 ёшли Эмма исмли кампир ўзининг «Форд» русумли енгил автоуловида ашулани «вадаванг» қўйиб келаётганди. Бир пайт машинасининг чап томонида нимадир тарақлаб диққатини тортди. У полициячиларнинг ёнида тухтаб, нима бўлганини билиб беришларини илтимос қилди. Автоуловни кўздан кечираётган полициячилар ҳайратдан лол қотдилар. Чунки «Форд»нинг олдинги чап ғилдираги умуман йўқ эди! Сўнгра бундан ҳам ҳайратомуз ҳақиқат ойдинлашди: кампир уч ғилдиракда қарийб 10 километрдан ортиқ йол босган экан!..

ана шунақа гаплар

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректорати ва касаба қўмитаси араб филологияси кафедрасининг мудири А. Абдужабборовга опаси Саврихон ҚАЮМОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекбирлашув бошқаруви жамоаси Бухоро кооператив техникумининг директори Н. Х. Бозоровга падари бузрукворлари ХОЖИМУРОД отанинг вафоти муносабти билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекбирлашув таркибидаги «Ўзматлуботтаълим» ассоциацияси жамоаси Бухоро кооператив техникумининг директори Н. Х. Бозоровга оталари ХОЖИМУРОД отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номидаги 243-мактаб жамоаси мактабнинг география фани ўқитувчиси Ҳамида АЗИМОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Спорт

ФУТБОЛ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида қарорни амалга ошириш юзасидан Халқ таълими вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан муайян ишлар қилинди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилиши кун тартибига асосий масала сифатида Тошкент шаҳридаги жисмоний тарбия жамоалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида футболнинг аҳволи ва уни ривожлантириш масаласининг қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Зотан, футбол энг оммавий спорт тури. Болалар ўзларини футболсиз тасаввур этолмайдилар.

Тошкент шаҳрида футболни оммалаштириш юзасидан ўтган йили бирмунча ишлар қилинди. Яқинда ўтказилган текшириш натижаларига кўра шаҳар халқ таълими тизимига қарашли жисмоний тарбия жамоаларида 214 та шўъба фаолият кўрсатиб турибди. Бу аввалги ўқув йилидагидан 17 фоиз кўпдир.

Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида шаҳардаги 77-умумтаълим мактаби базасида футбол мактаб-интернати очилди. Ҳозирги кунда бу ерда 100 ўқувчи шуғулланмоқда.

Шаҳардаги ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактабларида, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда жисмоний тарбия жамоаларида 15 та футбол бўлими мавжуд. Уларда 3100 дан ортиқ ўқувчи шуғулланаётир. Пойтахт мактабларининг терма жамоалари ўтган йили Ўзбекистон Республикаси чемпионати ғолиби бўлишди. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг 18 талабаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзосидир.

«Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров раёсат йиғилишини очгач, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан юқоридаги маълумотларни қайд этиб ўтди ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия жамоаларида футболни ривожлантириш юзасидан анчагина камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Р. Саломов шаҳар мактабларида ютуқлар бўлишига қарамай оммавийлик яхши йўлга қўйилмаганлигини танқид қилди.

«Меҳнат резервлари» КСЖ Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий кенгаши раиси муовини Ў. Тўлегенов, вилоят кенгаш раис муовинларидан Ш. Норқулов (Сирдарё), Р. Ҳамроев (Андижон), Х. Мирзаев (Тошкент вилояти) ва бошқалар футболни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Раёсат йиғилишида, шунингдек. «Жиззах вилоят кенгашининг жисмоний тарбия жамоаларида оммавий спорт тадбирларини тарғиб қилиш тажрибаси тўғрисида», «Якка кураш бўйича терма командаларни тиббий назоратдан ўтказиш бўйича Марказий кенгаш ва республика жисмоний тарбия диспансери ҳамкорлиги», «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари ва ҳунар билим юртлари ўқувчилари IV спартакиадасини ўтказиш юзасидан чиқарган буйруғи бажарилиши тўғрисида»ги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Х. Ф. Маъсудов сўзга чиқиб, футболни ривожлантириш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорини сўзсиз бажариш, спорт майдонлари ва стадионларнинг ҳар бир мактабда бўлишига эришишга йиғилиш қатнашчилари эътиборини жалб этди.

Раёсат йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ғ. МАННОПОВ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил февраль ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади

Вилоят ХТБ мудир муовинлари — 1-15.

Ўрта мактаб директорлари (химия-биология мутахассислиги бўйича) — 1-28.

География фанини ўқитишда янги педагогик технологиялар ва ўқитувчилар билимини тест-рейтинг усулида баҳолаш — 1-15.

Туман (шаҳар) методист-назоратчилари (аниқ фанлар бўйича) — 1-28.

Математикадан муаллифлик курси (А. Алимов) — 17-28.

Янги дастур ва дарслик асосида информатика ўқитувчилари курси — 1-15.

Бошланғич синф ўқитувчилари учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўрганиш (муаллифлик курси) — 17-28.

Мусиқа ўқитувчилари учун муаллифлик курси (О. Иброҳимов) — 1-15.

Туман (шаҳар) ХТБ методист-назоратчилари (ижтимоий фанлар бўйича) — 1-28.

Мактаб чет тиллар бўйича методбирлашма раҳбарлари — 1-28.

Ёрдамчи мактаб, мактаб-интернатларнинг рус тили ўқитувчилари — 1-28.

Янги турдаги мактаб-лицей, гимназия директорлари — 17-28.

Туман (шаҳар) ХТБ тарих фани методистлари (ижтимоий фанлар бўйича) — 1-28.

Футбол бўйича тренер ўқитувчилари — 1-15.

ВЎМОИ ВПҲМОИ жисмоний тарбия кабинет мудирлари (услубчилари) — 17-28.

Ёш техниклар ижодий маркази (ЁТИМ) директорлари — 1-15.

Болалар саёҳати ва ўлкашунослик маркази ҳамда турбаза ўқитувчи-инструкторлари — 17-28.

МУИЧК директорлари (МУПК директорлари) — 1-28.

Ёрдамчи мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари (Фарғонада) — 1-15.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати в суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади.

24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-5 февраль кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6 уй. Студентлар шаҳарчаси.

Телефон: 46-06-62, 46-06-67.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022.Тиражи 46.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6